ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ - ОЛИЙ БАХТ

# ИШОНЧ

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

24 март, сешанба 1998 йил №34 (536)

Сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади

УШБУ СОНДА:

2-бетда
СЎНМАС ЖОЗИБА

3-бетда
БОЛАЛАР ҲАМ ҚОНУННИ БИЛСИН

4-бетда
САНЪАТГА ТАРҒИБОТ КЕРАК

## ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИГА НАВРЎЗ ТАБРИГИ

Ассалому алайкум, азиз ватандошлар!

Қадрли дўстлар!

Муҳтарам меҳмонлар!

Ҳар бирингизни орзиқиб кутилган қадимий айём - Наврўзи олам хонадонларимизга кириб келгани билан муборакбод этаман!

Наврўз - табиат уйғониши фасли, ҳаёт байрами, миллий одат ва қадриятларимизнинг энг олий тимсолидир.

Бу қутлуғ паллада Оллоҳ яратган бутун борлиқ уйғонади. Табиат янгиланади. Табиатнинг узвий қисми бўлмиш одамзот ҳам беихтиёр руҳан покланади. Қалбига эзгуликка интилиш, янги умид- орзулар ва куч-қувват киради.

Наврўз ҳаёт абадийлигининг, табиатнинг устувор қудрати ва чексиз саҳоватининг, шу билан бирга, бизнинг неча минг йиллик миллий қиёфамизнинг, урф-одатларимизнинг мангулик ифодаси, тасдиғидир.

Яқин тарихимизга бир назар ташласак, айнан Наврўзи олам ҳаётимизда қайта тикланиши, унинг қутлуғ қадамлари бевосита ўзлигимизни англаш, миллий онг, миллий ғурур ва туйғуларимизнинг уйғонишига туртки бўлиб, мустақиллигимизга эришиш, жамиятимизнинг янгиланиши йўлидаги биринчи қадамлар билан боғланиб кетгани ҳам бежиз эмас десак, ҳеч қандай хато бўлмас, деб ўйлайман.

Азиз биродарлар!

Тинчлик ва осойишталик барқарор бўлган юртга байрам ярашади. Тотувлик, осудалик бор жойдан бало-қазолар йироқ юради. Аждодларимиз Наврўзи оламни ёруғлик куни, хайру эҳсон ва меҳрибонлик палласи деб билганлар. Беморлар, етим-есир, кўнгли ярим бева-бечораларга беминнат ёрдам кўрсатиб, меҳрга муҳтож бўлганларни зиёрат қилиб, уларнинг кўнгилларини кўтариб, дуоларини олганлар. Ота-боболаримизнинг бундай эзгу удумини давом эттирмоқ биз учун ҳам қарз, ҳам фарздир.

Наврўз айёмининг ҳаётбахш руҳи умумбашарий қадриятларга ҳамоҳангдир. Шу боис, у мамлакатимиздаги барча миллат ва элат вакилларининг, ёшу қари барча инсонларнинг умумий шодиёнасига айлангани бежиз эмас. Бу ҳолни Ўзбекистонимиздаги аҳиллик, меҳр- оқибат, тинчлик ва осойишталик барқарорлигининг далолати, деб айтсак асло муболаға бўлмас.

Муҳтарам юртдошларим!

Наврўз дамларида одамзот оиласига, фарзандларига боқиб, уларнинг бахтини, иқболини кўрмоқни истайди.

Оила - меҳр-муҳаббат маскани.

Оила иқболи - юртимизнинг тинчлиги ва осойишталиги гарови.

Оила - жамият асоси, пойдевори. Унинг фаровон бўлиши, фарзандларимизнинг баркамол бўлиб вояга етиши - Ватан бойлиги ва қудратининг асосидир.

Ана шу қутлуғ дақиқаларда Оллоҳ назари тушган Ўзбекистон заминида яшаётган барча оилаларга, нуроний оталаримизга, дуогўй оналаримизга, мунис аёлларимизга, ўғил-қизларимизга ва ширин- шакар невараларимизга чин қалбимдан ўз меҳр-муҳаббатимни, эзгу тилакларимни билдирмоқчиман.

Илоё, кириб келаётган Янги йилда Ўзбекистон заминида ҳар қайси оила, ҳар қайси хонадондан файз-барака аримасин, эзгу ниятлар амалга ошсин, қувончли кунлар янада кўпроқ бўлсин. Қарияларимизнинг умрини, ёшларимизнинг бахтини берсин.

Бугун юртимизга баҳор кириб келаётган дамларда, халқимизнинг азалий урф-одатларига амал қилиб, заҳматкаш, фидойи деҳқонларимиз меҳнатига чексиз ҳурматимни яна бир бор изҳор этмоқчиман:

Янги мавсумингиз баракали бўлсин! Қадаган уруғларингиз, эккан кўчатларингиз бехато кўкарсин, мўл-кўл ҳосил берсин! Ҳаммамиз учун муқаддас, бетакрор заминимизга берган меҳримиз, саховатимиз юртимизга файзу барака келтирсин, дастурхонимизни тўкин-сочин қилсин! Ҳар бир инсон ўз меҳнатининг роҳатини кўрсин!

Гўзал Ватанимиз ҳамиша омон бўлсин! Умримизнинг ҳар дақиқаси Наврўзга айлансин!

Улуғ айём барчамизга муборак бўлсин!

## УЙҒОНИШ, ЯШАРИШ ВА ОРЗУЛАР АЙЁМИ

**Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғида ўтказилган Наврўз байрами тантаналаридан репортаж** Ўлкамизга Наврўзи олам келди. Мамлакатимизнинг шаҳару қишлоқларида, далаю қирларида уйғониш, яшариш фасли бошланди.

Мамлакатимиз пойтахтининг Алишер Навоий номи билан аталувчи Миллий боғи ўзгача чирой очган. Баҳорни, Наврўзни ифодаловчи байроқлар, гуллар майдон ҳуснига-ҳусн қўшиб турибди. Дошқозонларда ҳалим, сумалак қайнамоқда. Кўк сомсаларнинг ҳиди димоғингизга баҳор нафасини олиб киради. Боғ тўридан майдонга мамнун назар ташлаб турган Алишер Навоий гўё биз билан Наврўзи олам тантаналарини кутаётгандек.

Майдон ўртасига катта саҳна ўрнатилган. Унинг атрофидаги жойларни Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлардан келган меҳмонлар, пойтахт жамоатчилиги вакиллари эгаллаган. Бу ерга хорижий давлатларнинг элчихоналари ҳамда халқаро ташкилотлар ваколатхоналари вакиллари ҳам ташриф буюрганлар.

Соат 11. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов майдонга кириб келади. Мамлакатимиз раҳбарини йиғилганлар гулдурос қарсаклар билан кутиб оладилар. Олий Мажлис Раиси Эркин Халилов, Бош вазир Ўткир Султонов, Бош вазирнинг биринчи ўринбосари, мазкур байрамга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш республика ташкилий қўмитасининг раиси Исмоил Жўрабеков, Президентнинг Давлат маслаҳатчилари, Олий Мажлис Раиси ўринбосарлари, Бош вазир ўринбосарлари, Тошкент шаҳар ҳокими Козим Тўлаганов ва бошқа расмий кишилар марказий минбардан жой эгаллайдилар.

Ислом Каримов Ўзбекистон халқини қутлуғ айём - Наврўз билан табриклаб нутқ сўзлади. Президент ўз табригида бу йилги Наврўз ўзгача шодлик ва қувонч билан ўтаётганини таъкидлади. Мамлакатимизда мустақилликнинг еттинчи Наврўзи нишонланмоқда. Юртимизда шу қисқа фурсатда катта ишлар қилинди. Энг асосийси- халқимиз истиқлол нима эканлигини англаб етди. Бугунги байрамнинг шукуҳи ва жозибаси ҳам мустақиллик шарофатидандир.

Майдонда карнай-сурнай садоси янграйди. Байрам тантаналари бошланади.

Байрам дастури «Табиатнинг тўрт фасли», «Бола бахти - оила бахти», «Ўзбекистон - алплар, алпомишлар юрти», «Ўзбекистоннинг ранг-баранг гулдастаси», «Халқ ижодиёти - санъат сарчашмаси» деб номланган бўлимлардан иборат.

Президентимиз 1998 йилни Оила йили, деб эълон қилди. Оила Шарқда азал-азалдан муқаддас даргоҳ ҳисобланади. Чунки ҳалоллик, ростгўйлик, меҳр-оқибат, меҳнатсеварлик, ор-номус, шарму ҳаё оилада шаклланади. Юртбошимиз бу ҳақда гапириб «Оила ҳаётнинг абадийлигини, авлодларнинг давомийлигини таъминлайдиган, муқаддас урф-одатларимизни сақлайдиган, шу билан бирга, келажак насллар қандай инсон бўлиб етишига бевосита таъсир кўрсатадиган тарбия ўчоғи...» деган эди.

Саҳнага болалар, нуроний отахон ва онахонлар кириб келади. Чақалоқнинг йиғиси эшитилади. Наврўз ва чақалоқ. Янги кун ва янги инсон. Она замин яшаряпти. Ҳаёт янгитдан бошланяпти. Саҳнада йўлбарс пайдо бўлади. У ҳамиша паҳлавонлик ва мардлик тимсоли бўлиб келган.

Майдон четидаги чархпалак тиним билмай айланади. У гўё сониялар, дақиқалар сайин умр ўтаётганидан дарак бераётгандай. Истиқлолга эришганимизга етти йил тўлмоқда. Етти Наврўз келди ўшандан буён.

Миллий боғнинг катта қисмини ҳунармандлар расталари эгаллаган. Бу расталарда мамлакатимизнинг барча вилоятларидан келган зардўзлар, кулоллар, пичоқчилар, гиламдўзлар, темирчилар, дурадгорлар, новвойлар, қандолатчилар ўз маҳсулотларини намойиш этмоқда.

- Биз ҳунармандларга кўрсатилаётган ғамхўрлик учун юртбошимиздан миннатдормиз, - дейди андижонлик уста Нурматжон Шарипов. - Ҳеч бир мамлакатда халқ ҳунармандчилигига бунчалик катта эътибор берилмаган.

От чопса гумбурлар тоғнинг дараси...

Майдонда карнай садолари янграйди. Саҳнага ғалаба билан қайтган Алпомиш ва унинг алп йигитлари кириб келади. Уларни Ойбарчин ўзи каби гўзал ва доно қизлар даврасида кутиб олади. Турли спорт ўйинлари, полвонларнинг чиқишлари кўрсатилади.

Мамлакатимизда Алпомиш достони яратилганлигининг минг йиллигини нишонлашга қизғин тайёргарлик кўрилмоқда. Бу борада ҳукуматимиз махсус қарор қабул қилди.

Бу йил буюк ватандошларимиз Имом Бухорий ва Аҳмад Фарғонийнинг юбилейлари бўлиб ўтади. Бобокалонларимизнинг тўйлари халқаро миқёсда кенг нишонланади. Буларнинг бари истиқлол туфайли юртимизда ўтмиш меросимизга муносабатнинг тубдан ўзгарганлиги, заминимиз ҳамиша буюк алломалар ватани бўлиб келганлигини жаҳон халқлари томонидан тан олинаётганлигининг яна бир ифодасидир.

Юртимизнинг турли вилоятларидан келган оилавий ансамбллар ижросидаги куй ва қўшиқлар, замонавий миллий эстрадамиз юлдузларининг чиқишлари ҳам байрам тантаналарига кўтаринки руҳ бағишлади.

Байрам мушакбозлик билан якунланди.

Президент Ислом Каримов тантаналар сўнггида ҳунармандлар кўргазмаси билан танишди.

Шу куни Наврўз тантаналари пойтахтимизнинг Мустақиллик, Халқлар дўстлиги, Мирзо Улуғбек, Ҳадра, Алишер Навоий номидаги театр олдидаги майдонларда, Амир Темур хиёбонида, Сайлгоҳ кўчасида, истироҳат боғларида ҳам нишонланди.

Наврўз бутун мамлакатимиз бўйлаб кенг қулоч ёйди. Пойтахтда бошланган тантаналар Қорақалпоғистон Республикаси, барча вилоятлар ва туманлар марказларига, шаҳар ва қишлоқларга ёйилди.

**Б.ЭГАМҚУЛОВ,**
**ЎзА махсус мухбири.**

## ЕТТИ ИҚЛИМ НАФАСИ

**Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг қуролсизланиш бўйича махсус гуруҳи раҳбари Ричард Батлер Ироқ пойтахти Бағдодга ташриф буюрди. Ушбу ташриф Ироқдаги ҳарбий объектларни текширувдан ўтказиш жараёнида янги босқичга сабаб бўлади, деб таъмин қилинмоқда. Ричард Батлер Ироқ Бош вазири ўринбосари Тариқ Азиз билан учрашиб, махсус комиссия фаолияти билан боғлиқ масалаларни муҳокама этди.**

* * *

Ироқда фаолият кўрсатаётган махсус комиссия экспертлари эса ўтган ҳафта давомида самарали иш олиб бордилар. Экспертлар гуруҳи мамлакатнинг бир қанча ҳарбий объектларига кириб, уларни текширишга муваффақ бўлдилар.

* * *

**Америка Қўшма Штатлари Президенти Билл Клинтон Африка мамлакатлари бўйлаб сафар бошлади. Бу АҚШ ҳукумати бошлиғининг сўнгги йигирма йил ичида Африкага қилган илк ташрифидир. Билл Клинтон Гана, Уганда, Жанубий Африка Республикаси, Руанда, Бацвана ва Сенегал давлатларида бўлади.**

* * *

Куба Республикаси ташқи ишлар вазири Роберто Гонсалес расмий ташриф билан Россия пойтахти Москвага келди. Сўнгги вақтда Россия Куба билан дўстлик ва ҳамкорлик алоқаларини тобора мустаҳкамлашга интилаётир.

* * *

**Косово Республикаси ҳали дунё ҳамжамияти тарафидан тан олинмаган бўлса-да, Сербия таркибидаги ушбу вилоятда якшанба куни президент ва парламент сайловлари бўлиб ўтди. Косово президентлигига ягона номзод Демократик Иттифоқ ҳаракати раҳбари Иброҳим Ругова эди. У Косовонинг мустақилликка эришуви йўлида кураш олиб бормоқда.**

* * *

Рим Папаси Иоанн Павел Иккинчи Нигерияда ташрифда бўлиб турибди. Иоанн Павел ушбу Африка мамлакатининг католиклари анжуманида иштирок этди. Рим Папаси анжуман вақтида африкалик руҳоний Каприано Танси номини абадийлаштириш маросимини ўтказди. 1964 йилда вафот этган руҳоний Африка халқини дин йўлига бошлашда катта хизматлар кўрсатган эди.

*Жаҳон ахборот агентликлари хабарлари асосида.*



## БОЛАЛАРГА НАВРЎЗ СОВҒАЛАРИ

Наврўз байрамида кишиларнинг бирбирларини йўқлаши, гина-кудратларнинг унутилиши, байрам совғаларини улашиш ва уларнинг ҳолидан хабар олиш халқимизнинг одат тусига кирган. Зеро, меҳрибонлик уйи тарбияланувчиларининг бошини силаш, уларга меҳрибончилик кўрсатиш савобталаб халқимизнинг азалий одатларидандир.

Наврўз кунларида Тошкент вилояти Бўка туманидаги Й.Оҳунбобоев номли 15-меҳрибонлик уйида ҳам шундай савобли ишлар амалга оширилди. Меҳрибонлик уйида тарбия ва таълим олаётган болаларга Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши томонидан Наврўз байрами совғалари топширилди. Федерация Кенгаши раиси ўринбосари Элёр Ҳамилович Ёқубов барча болалар, тарбиячи ва мураббийларини байрам билан муборакбод этиб, эзгу тилакларини изҳор этди ва ҳар бир ўғил-қизга алоҳида совға-салом, меҳрибонлик уйига эса рангли телевизор ва кир ювиш машинасини тақдим этди.

Шунингдек, Қибрай туманидаги полэмелит болалар касалхонасида даволанувчи ногирон болаларга ҳам Наврўз муносабати билан Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши раиси ўринбосари Озода Муҳитдинова турли туман совғалар, касалхона жамоасига телевизор, видеомагнитафон тақдим қилди.

**Давур ЖОЗИЛОВ,**
**«Ишонч» мухбири.**

## АФРИКАГА ҲАМ НАВРЎЗ КЕЛДИ

Ишонгинг келмайди, лекин қувончли ҳақиқат: шўро замонида таъқиб остида бўлган севимли байрамимиз - Наврўз тобора халқаро миқёс касб этмоқда. Бунинг ёрқин мисоли - юртимиздан неча минглаб чақирим узоқликда жойлашган Африка қитъасида ҳам бу йил 21 март куни кўплаб кишилар бир-бирларини Наврўз айёми билан қутладилар. Хусусан, Қоҳирада мамлакатимизнинг исср Араб Республикасидаги элчихонасининг ташаббуси билан ушбу байрамга бағишланган катта тадбир бўлиб ўтди. Унда Миср ҳукуматининг, халқаро ташкилотларнинг вакиллари, хорижлик дипломатлар, маҳаллий ишбилармонлар, санъаткорлар, талабалар, Қоҳирада истиқомат қилувчи ватандошларимиз иштирок этди. Уларга қадим байрамимиз тарихи, халқимизнинг Президент Ислом Каримов раҳбарлигида қўлга киритаётган ютуқлари, тобора мустаҳкамланиб бораётган Ўзбекистон - Миср алоқалари ҳақида сўзлаб берилди. Суҳбатларда буюк алломалар - Имом ал-Бухорий, Аҳмад ал-Фарғоний боболаримизнинг табаррук таваллуд тўйларига юртимизда кўрилаётган катта тайёргарлик ишлари ҳақида ҳам сўз борди.

Наврўзга бағишланган тадбирда миллий куй-қўшиқларимиз, рақсларимиз ижро этилди. Спорт мусобақалари бўлиб ўтди.

Яна бир диққатга сазовор жиҳати шундаки, буларнинг ҳаммаси Миср пойтахтининг бобомиз Ибн Сино номи билан аталувчи кўчасида қарор топган муҳташам боғда бўлиб ўтди.

**Қ.ОЧИЛОВ**
**(ЎзА).**

## РЕСПУБЛИКА БИРЖАЛАРИДА

**«Тошкент» республика қимматли қоғозлар биржасида бўлиб ўтган оддий акциялар савдосида 8 та ҳиссадорлик жамиятлар яхши натижаларга эришдилар. Улар ўзларининг 14,3 мингта акцияларини сотишиб, - 11,1 миллион сўмлик маблағга эга бўлдилар. Савдо жараёнида юқори самарадорликка «Бухороқурилиш материаллари» ҳиссадорлик жамияти эришди. Бу жамият ҳам 4,7 миллион сўмлик 4,7 мингта акцияларини сотилишига эришдилар. 14 та брокерлик идоралари ҳам эътиборга лойиқ фаолият кўрсатдилар. Биржада йил бошидан 395,7 миллион сўмлик акциялар сотилди.**

***

Республика кўчмас мулк биржасида 11 марта ким ошди, 6 марта биржа савдолари бўлиб ўтди. Савдо давомида 207 та кўчмас мулк иншоати янги мулкдорлар қўлига ўтди. Сотув ҳажми 22714 минг сўмни ташкил этди. Бўлимлар орасида Наманганликлар пешқадамлик қилмоқдалар. - 12283 минг сўмлик 113 та иншоотларни хусусийлаштиришга эришдилар. Бундан ташқари омбор биноси ва 98 та ер участкалари мерос учун тадбиркорларга сотилди.

Тошкент шаҳар биржа бўлими ҳам яхши самарадорликка эришди. Тошкентда 13 та иншоат 3495 минг сўм олиб келди. Сергели ва Собир Раҳимов районларида 800 кв.м ер участкалари уй-жой қуриш учун ўз эгаларига топширилди. Биржа ва унинг бўлимларида бошланғич нархига нисбатан сотилиш нархи- 1,61 мартага ошди.

***

**«Ўзбекистон» номли Республика кўп тармоқли деҳқончилик саноати биржасида ким ошди савдосига 2,4 миллиард сўм ва 4,6 миллион доллар ҳажмида қишлоқ хўжалик маҳсулотлари қўйилди. Янги Тошкент консерва комбинатининг маҳсулотларига бўлган қизиқиш кундан-кунга ошиб бормоқда. Савдо жараёнида 230 миллион сўмлик битимлар имзоланди. Шуни таъкидлаш лозимки бу битимларнинг ҳаммаси хорижлик ҳамкорлар билан тузилди. Савдо натижалари шуни кўрсатмоқдаки биржа фаолияти доимо кенгайиб бормоқда.**

**Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти**
**Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 1998 йил 24 мартдан бошлаб ҳисоб ва божхона тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:*/**

| | |
|---|---|
| 1 Австралия доллари | 55,80 |
| 1 Австрия шиллинги | 6,54 |
| 1 Англия фунт стерлинги | 140,49 |
| 10 Бельгия франки | 22,34 |
| 1 Голландия гульдени | 40,85 |
| 10 Греция драхмаси | 2,61 |
| 1 Дания кронаси | 12,07 |
| 1 БАА дирхами | 22,94 |
| 1 АҚШ доллари | 84,25 |
| 1 Миср фунти | 24,78 |
| 1 Ирландия фунти | 115,55 |
| 1 Исландия кронаси | 1,16 |
| 10 Испания песети | 5,43 |
| 100 Италия лираси | 4,68 |
| 1 Канада доллари | 59,51 |
| 10 Хитой юани | 10,18 |
| 1 Қувайт динори | 275,88 |
| 100 Ливан фунти | 5,51 |
| 1 Малайзия ринггити | 23,53 |
| 1 Германия маркаси | 46,02 |
| 1 Норвегия кронаси | 11,11 |
| 1 Польша злотийси | 24,54 |
| 10 Португалия эскудоси | 4,51 |
| 1 Сингапур доллари | 52,59 |
| 1 СДР | 113,00 |
| 1000 Туркия лираси | 0,35 |
| 1 Финляндия маркаси | 15,18 |
| 1 Франция франки | 13,73 |
| 1 Швеция кронаси | 10,60 |
| 1 Швейцария франки | 56,26 |
| 1 ЭКЮ | 91,36 |
| Жанубий Корея вони | 0,60 |
| 10 Япония иенаси | 6,45 |
| 1000 Россия рубли | 13,82 |
| 1 Украина гривнаси | 41,32 |
| 1000 Беларусь рубли | 2,52 |
| 1 Латвия лати | 141,60 |
| 1 Литва лити | 21,06 |
| 1 Молдава лейи | 17,87 |
| 1 Қирғизистон соми | 4,67 |

***/ Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.**

## СИЁСИЙ ФАНЛАРДА ЯНГИ ҲОДИСА...

Бугунги кунда мамлакатимизда сиёсий етакчиликнинг ўрни ва ролини тадқиқ этиш сиёсий фанларнинг ўта долзарб вазифаларидан биридир. Бу йўналишдаги тадқиқотларни кучайтирмай ва кенгайтирмай туриб, демократик ўзгаришларни чуқурлаштириш мушкул. Чунки Ўзбекистонда демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш, ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролар жамиятини барпо этиш тақдири ушбу масаланинг қандай ҳал этилишига бевосита боғлиқ. Шу боисдан ҳам сиёсатшунос Нарзулла Жўраевнинг ушбу ўта долзарб ва мураккаб мавзуга бағишланган «Агар огоҳ сен...» китобининг нашр этилиши айни муддао бўлди.

Китобнинг биринчи бобида Ўзбекистонда мустақилликкача бўлган даврдаги ижтимоий — сиёсий муҳит ва ҳозирги даврда ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этиш масалалари чуқур таҳлил этилган. Унда ўтган ва ҳозирги даврнинг зиддиятларига, Ислом Каримовнинг республика раҳбари сифатидаги фаолиятига, давлат қурилишининг улкан назариячиси сифатидаги ўрни ва ролига алоҳида аҳамият берилган ҳамда муносиб баҳоланган.

Ишнинг иккинчи боби Ўзбекистон Республикаси сиёсий ҳокимиятини мустаҳкамлаш муаммоларини тадқиқ этишга қаратилган. Бу бобда Ўзбекистонда аҳолини ижтимоий муҳофазалаш, миллатлараро муносабатларни уйғунлаштириш, миллий хавфсизликни мустаҳкамлаш масалаларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда Президент Ислом Каримовнинг саъй-ҳаракатлари чуқур ва атрофлича кўриб чиқилган.

Китобнинг хулоса қисмида биринчи ва иккинчи бобларида таҳлил этилган масалалардан муҳим назарий ҳулосалар чиқарилган. Бу қисмда етакчининг хатти-ҳаракатига қараб у ёки бу тарзда шаклланиши ҳақидаги, Президент Ислом Каримовнинг улкан сиёсий етакчи сифатидаги фаолияти янги даврнинг маҳсули эканлиги ҳусусидаги ва бошқа ҳулосалари эътиборга лойиқдир.

Жамият бир ҳолатдан иккинчи бир ҳолатга ўтаётган пайтда сиёсий етакчининг роли яна ҳам ошади. Туб бурилишлар тақдири бевосита бошқарувчининг қобилиятига — иш услубига, сиёсий етуклигига, ижтимоий сиёсий жараёнларга муносабати ва уларга қай тарзда ёндошиш усулига боғлиқ бўлади. Ана шу жиҳатдан қараганда, сиёсий етакчи жамият тараққиётида асосий ўринни эгаллайди, марказий аҳамиятга эга бўлади. Чунки бу пайтда ҳали сиёсий қатлам тўла шаклланмаган, бутунлай янги ижтимоий-сиёсий жараёнлар моҳиятини таҳлил қилиб улгурмаган, маълум назарий хулосаларга келмаган ва амалий таклифларни ишлаб чиқмаган бўлади. Натижада мамлакат фуқаролари ўтиш даврида ўз тақдирини белгилашда мўлжални сиёсий етакчига қараб олади ва унга эргашади.

Ана шундай пайтда сиёсий етакчининг жамият тараққиётида тутган ва аҳамияти мавқеи янада ёрқинроқ кўзга ташланади. Зеро, у аҳолини ва жамиятни ҳеч қандай ларзаларсиз равон йўлга олиб чиқиш қобилиятига эга бўлмоғи лозим. Бу, албатта, ҳар бир етакчининг ўз мамлакати халқларининг маънавий-руҳий эҳтиёжлари, ижтимоий-иқтисодий талаблари, сиёсий дунёқарашларидан келиб чиқиб, жамиятни ана шу халқ манфаатларига мос равишда ислоҳ қилиш иқтисодини талаб этади.

(Давоми 2-бетда)

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ МАТБУОТ ХИЗМАТИ ХАБАРИ

Шу йил 22 март куни Ўзбекистон Мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти ўтказган автомобил пойгаси пайтида Самарқанд шаҳрининг Чўпонота мавзесида мусобақа иштирокчиларидан бири автомобилни бошқаролмай қолиб, йўлдан чиқиб кетган ва мусобақани кузатиб турган томошабинлардан бир гуруҳини уриб юборган.

Ушбу ҳалокат натижасида бир неча киши турли даражада жароҳат олган ҳамда шифохонага ёқизилган. Улардан икки киши оғир жароҳат туфайли вафот этган.

Мазкур иш юзасидан жиноий иш қўзғатилиб, оператив тергов ишлари олиб борилмоқда.

Бу ҳодисани текшириш учун Республика комиссияси тузилди.

